

МАМЛАКАТИМИЗДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ

*Юсуфжонов Равшанбек
Наманган Давлат Университети*

Аннотация: Ушбу мақолада Мамлакатимизда инновацион фаолиятни ривожлантириш ва молиялаштириш, иқтисодиётнинг ҳар қайси тармоғидаги саноат корхоналарнинг жадал суратлар билан ривожланишини таъминлаш ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, «Инновация», ресурс, замонавий технология, Миллий иқтисодиёт, реал сектор.

КИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор усишини таъминлашда инновацион фаолиятнинг аҳамияти тобора ортиб бормокда. Хозирги вақтда иқтисодиётнинг ҳар қайси тармоғидаги саноат корхоналарнинг жадал суратлар билан ривожланишини таъминлашни инновацион фаолиятни таъсирсиз тасаввур ҳам илиб бўлмайди.

Миллий иқтисодиётни инновацион ривожланишини таъминлаш анча мураккаб, айни вақтда долзарб вазифалардан ҳисобланади. Уни ривожлантириш биринчи навбатда илгор илм-фан ютуқларига асосланади.

Фанда «Инновация» ибораси янгилик киритиш ва жорий этиш мақсадида иқтисодиётга сарфланган маблағлар ҳамда илгор техника ва технология, бошқариш ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ва уларни турли соҳаларда қулланиши тушунилади²¹. Бунинг заминида эса янги тартиб, янги қараш ва ғоялар ётади. Мамлакатимизда инновацион фаолиятни ривожлантириш учун илмий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослар мавжуд.

Жаҳон молиявий инкирози шароитида мамлакатда ишлаб чиқаришни ривожлантириш биринчи навбатда саноатда инновацион ўзгаришлар қилиниши натижада бутун иқтисодиётда стратегик муҳим ўзгаришларни амалга оширилиши билан боғлиқ. Бунда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, қушни давлатлар билан алоқаларни кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш керак. Иқтисодиётни модернизация қилишни жуда кенг ва атрофлича тарғиб этиб, чуқур ислохотларни давом эттириш; юртимизга замонавий технологияларни олиб қилиб, ишлаб чиқаришни янгилаш ва бу жараёнларини тезлаштириш сиёсатини амалга ошириш лозим бўлади. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш мамлакатимизнинг янги

1. Ўзбек тилининг изохли лугати.:

марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жахон бозорида ракобатбардошлигини тامينлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий килиш буйича мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқдир. Хозирги даврда республикамиз саноат корхоналарида инновацион фаолиятни яратиш учун биринчи навбатда инновацион лойиҳаларни молиялаштириш масаласини ҳал этиш лозим бўлади. Саноат корхоналарнинг инновацион фаолиятини тугри молиялаштириш уларнинг самарали ривожланиши учун муҳим омил ҳисобланади.

Хозирги замон фан ва техника таракқиёти тенденциясида иқтисодий ўсишнинг энг мақбул ва самарали омилларидан бири сифатида инновацион фаолиятни ривожлантириш ва уни рағбатлантириш масаласига эътибор қўйилмоқда.

Мамлакатнинг инновацион салоҳиятини ошириш ва уни ривожлантириш иқтисодиётнинг реал секторлари ракобатбардошлигини таминлашда, янги маҳсулот турларини яратишда ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик даражасини ўзликсиз янгиланишида, бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этишда кенг имкониятларни очиб беради.

Мамлакатимизда инновацион фаолиятни юксалтиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базанинг самарали ташкил этилиши илм-фан соҳасида янги тарихий воқеаликларга жавоб берадиган давлат сиёсатининг босқичма-босқич руёбга чиқаришда муҳим омил бўлди. Айниқса сўнгги йилларда инновацион соҳаларни ривожлантириш янги илмий ишланмаларни рағбатлантириш умуман бу борадаги фаолиятни янада такомиллаштириш буйича етарли тажриба ва салоҳият тупланди. Мамлакатнинг инновацион салоҳиятини ошириш йўлида илмий ходимларнинг қўшган меҳнат ҳиссаларини моддий рағбатлантириб борилиши, республикада инновацион фаолиятни ривожлантиришни янги босқичга чиққаётганлигини курсатади. Бу эса мамлакатимиз саноат корхоналарида инновацион салоҳиятнинг шакллантириш ва ривожлантириш иқтисодиётнинг ракобатбардошлигини ошириш имкониятини пайдо қилиб, иқтисодиётимиз таракқиётига ижобий таъсир ўтказади.

Иқтисоднинг барча тармоқларини жадал суратлар билан ривожлантириб ички ва ташқи бозорлар учун сифатли ва ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашни инновацион фаолиятсиз тасоввур қилиб бўлмайди. Бу қийин вазифани ҳал қилишни корхонанинг ўзи танлайди: -агар корхона янги маҳсулот ишлаб чиқармаса эрта ёки кеч хонавайрон бўлиши мумкин, маҳсулот ишлаб чиқариш эса катта хароҷатлар билан боғлиқ, бу эса корхонадан етарли молиявий таъминотни таълаб қилади.

Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришни яхши асосланган тизимини яратиш, молиявий маблағларни жамғариш ва инновацион ҳаракатлар учун сарфлашга шароит яратади²².

Хар қандай корхонанинг инновацион фаолиятини натижаси мувоффақиятли ва самарали булиши куп жихатдан уни молиялаштириш манбаларини ва усулларини аниқлашга боғлиқдир.

Инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари булиб давлат, турли корхоналар, молия саноат гуруҳлари, кичик бизнес корхоналари, инвестиция ва инновация жамғармалари, маҳаллий бошқарув органлари, жисмоний шахс ва бошқлар ҳисобланади. Уларнинг барчаси хужалик юритиш жараёнида маълум даражада иштирок этиб, инновацион фаолиятни ривожланишига таъсир курсатади²³.

Инновацион фаолиятни молиялаштириш давлат маблағлари билан бир қаторда хусусий маблағлар ҳисобидан ҳам амалга оширилади. Жумладан куплаб ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШ давлатида илмий тадқиқот ва конструкторлик ишлари учун ажратиладиган молиявий ресурслар давлат капитали ва хусусий капитал уртасида деярли тенг миқдорда тақсимланади.

Инновацион фаолиятни молиялаштиришни ташкиллаштириш тамойиллари аввало уларнинг молиялаш манбаларининг куплигига ва турли туманлигига, молиявий фойдасини усишини таъминлай оладиган инновацияларни молиялаштиришга асосланади.

Саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини молиялаштириш манбалари мулкчилик шаклларига қараб икки гуруҳга булинади: давлат молиявий ресурслари, нодавлат молиявий ресурслари.

Давлат молиявий ресурсларига давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар, давлат заёмлари, давлатга тегишли акция пакетлари ва бошқа давлат мулклари қирса, нодавлат молиявий ресурслари -турли хужалик субъектлари, жамоат ташкилотлари ва жисмоний шахсларининг молиявий маблағларидан иборат. Шунингдек бошқа манбаларнинг маблағлари ҳам йуналтирилади. Улар бюджет маблағларини жалб этиш, солиқ имтиёзларини яратиш, кредит маблағлари ажратиш, сугурта қафолатларини бериш, узининг ва бошқаларнинг маблағларидан фойдаланиш ҳисобидан ташкил топади.

ХУЛОСА

Кўпчилик ҳолларда замонавий технологияларга асосланадиган, юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган самарали инновацион лойиҳаларни молиялаштириш қўзда тутилади. Шунингдек

2.Ильдияков А.В. Проблемы финансирования инновационной деятельности предприятия // [Современные](#) исследования социальных проблем. Электронный научный журнал -2012. -№ 1

²³. Астапов К Инновации промышленных предприятий и экономический рост //Экономист . 2002. №6 . с5-6

хорижий компания ва фирмаларнинг инвестиция маблаглари, грандлари ҳамда хомийлари оркали инновацион лойихаларни молиялаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Демак келгусида бу йуналишдаги муаммоларни ечимини топиш учун инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг мукамал тизимини ишлаб чиқиш, аниқ стратегик мақсадларни аниқлаш, ахборотларни йиғиш ва таҳлил этиб бориш лозим бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Узбек тилининг изохли лугати. Т.»Узбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006й 212-б.
2. 2.Ильдияков А.В. Проблемы финансирования инновационной деятельности предприятия // [Современные](#) исследования социальных проблем. Электронный научный журнал -2012. -№ 1
3. Астапов К Инновации промышленных предприятий и экономический рост //Экономист . 2002. №6 . с5-6